



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2021 - yil 16 - noyabr

470-14-0-Q/21

Toshkent shahar hokimligi

### Тошкент халқа автомобиль йўлида мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 28 май куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор мажлисининг 31-сонли баёни, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 28 сентябрдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-47-78-14-0-К/21-сонли қарорига асосан ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари мажмуасининг 2021 йил 1 ноябрдаги 03-1773-сонли мурожаатини инобатга олиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари мажмуасининг Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, М39Б автомобиль йўли “Тошкент халқа йўли” 41-43 км участкаси (Охангарон шоссеси)да (кейинги ўринларда – объект деб юритилади) мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Объектни мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи этиб

“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК белгилансин.


3. “Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (О.Абдуназаров):

Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, М39Б автомобиль йўли “Тошкент халқа йўли” 41-43 км участкаси (Оҳангарон шоссеси)да мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича тегишли ташкилотлар билан биргаликда келишилган ҳолда ишлар ташкил этилиши таъминлансин;

мазкур объектда мукамал таъмирлаш ишлари бўйича бош лойиҳа ва пудрат ташкилотлари ўрнатилган тартибда аниқлансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Раҳмонов зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.